БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 35 (526)
17 ФЕВРАЛЬ
ЖУМА
1956 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

***Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди кеча ўз ишини давом этдирди.***

**С'езднинг эрталабки ва кечки мажлисларида ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети ва ўртоқ П. Г. Москатовнинг КПСС Марказий Ревизия комиссияси ҳисобот докладлари юзасидан музокаралар бўлди.**

# Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг партия XX с'ездига ҲИСОБОТ ДОКЛАДИ

## КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ доклади *)

Социалистик тузум шароитида янги кишилар, коммунизм қураётган актив ва онгли кишилар ўсиб етишганлиги партиямизнинг жуда катта тарихий ғалабасидир. Лекин одамлар онгидаги капитализм қолдиқларига энди барҳам берилди деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Бизнинг ажойиб, меҳнатсевар совет оиласида афсуски, ҳали ҳам унумли меҳнатда қатнашмаётган, на оилада, на жамиятда фойдали ишни бажармаётган кишилар ҳали ҳам бор. Социалистик жамият қоидаларини қасддан бузаётган шахслар ҳам бор. Бу хилдаги ярамас ҳолларни омманинг ўзи иштирок қилмасдан, фақат ма'мурий чоралар блангина тугатиб бўлмайди. Бу ишда жамоатчиликнинг катта роли бўлиши керак. Шундай вазият вужудга келтириш керакки, ахлоқ қоидаларини, совет ахлоқининг принципларини бузувчи кишилар ўзларининг қилмишларини бутун жамият қоралашини сезадиган бўлсинлар. «СССРда меҳнат қилиш меҳнатга яроқли ҳарбир гражданнинг: «Ишламаган тишламайди» деган принципга кўра бурчи ва шарафли ишидир» деб Конституциямизда ёзилган энг асосий қоидаларнинг бири бўлган шу принцип асло бузилмайдиган принцип бўлиши лозим.

Совет ёшларини ва барча меҳнаткашларни меҳнатга ҳамда жамоат мулкига социалистик муносабатда бўлиш руҳида, марксизм-ленинизмнинг улуғ идеялари руҳида тарбиялаш соҳасидаги олижаноб ишни активлик блан олиб бориш партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг асосий бурчидир.

Ўртоқлар! Партиямиз тинчлик сиёсатини изчиллик блан ўтказиб, Совет давлатининг шавкатли, шуҳратга тўлган Қуролли Кучларини — армиямизни, флотимизни, авиациямизни тинмай мустаҳкамлашни, уларни энг илғор техника блан қуроллантиришни, Қуролли Кучлар шахсий составининг сиёсий онглилигини ва жанговарлик маҳоратини оширишни ўзининг энг муҳим бурчи деб ҳисоблайди. Совет халқи шу нарсага амин бўлиши керакки, совет кишиларининг тинч меҳнатини сергаклик блан қўриқлаб турувчи унинг Қуролли Кучлари социалистик Ватан олдидаги ўз бурчини шараф блан бажаради. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

* * *

Совет Иттифоқининг ички аҳволи ҳарқачонгидан ҳам мустаҳкам ва бақувватдир. Коммунистик партия, совет халқи ўз фидокорона меҳнатининг улуғ мевалари блан, экономика ва маданиятнинг ҳамма соҳаларидаги ўз яратучилик ишининг натижалари блан фахрланишга ҳақлидир. Шу блан бирликда биз ҳамиша шуни эсда тутишимиз лозимки, В. И. Ленин бизга эришилган муваффақиятлар блан ҳечқачон хотиржам бўлмангиз, ҳал этилмаган вазифаларга бутун э'тиборингизни ва кучингизни қаратингиз, деб та'лим берган эди.

Социалистик хўжалик системасининг жуда катта афзалликлари, ижтимоий ишлабчиқариш тез сур'атлар блан ривожлантирилаётганлиги Совет мамлакатига СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини — аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий қилган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини тарихий жуда қисқа муддатларда ҳал қилишга имкон беради. Бу вазифанинг бажарилиши Ватанимизни ва бутун улуғ социалистик мамлакатлар дўст оиласини ҳарқандай тасодифий ва кутилмаган ҳоллардан сақлаб қоладиган энг мустаҳкам ва ишончли гарантия бўлади, халқ фаровонлигини социалистик жамиятнинг улуғ мақсадларига мос бўлиб тушадиган юксакликка кўтариш имкониятини беради. Олтинчи бешйиллик бу вазифани ҳал қилиш йўлида муҳим босқич бўлади. Янги бешйилликни бажарибгина қолмасдан, шу блан бирга ошириб бажариш учун ҳам бизда ҳамма имкониятлар бор. **(Давомли қарсаклар).**

Лекин шу нарса ма'лумки, имкониятлар бўлгани блан бу имкониятлар ҳали воқи'лик деган гап эмас. Имкониятларни воқи'ликка айлантирмоқ учун барча партия, совет, хўжалик, касаба союз, комсомол ташкилотларининг зўр бериб ва қунт блан ташкилотчилик ишларини олиб боришлари керак, бутун совет халқи, қаҳрамон ишчилар синфимиз, шонли колхозчи деҳқонларимиз, халқдан етишиб чиққан интеллигентларимиз куч ва ғайрат сарфлаб жиддий меҳнат қилиши лозим. **(Давомли қарсаклар).**

Ички сиёсат соҳасида яқин йиллардаги энг муҳим вазифалар қуйидагилардан иборат:

1. Социалистик жамиятнинг моддий-ишлабчиқариш базасини зўр бериб ва ғайрат блан кенгайтириш, олий техникани, Ватанимиз ва четэллардаги фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларини, ишлабчиқариш илғорларининг тажрибаларини халқ хўжалигининг ҳамма тормоқларига жорий қилиш.

2. Техникани тараққий этдириш ва, аввало, мамлакатни кенг электрлаштириш, меҳнатнинг ва ишлабчиқаришнинг ташкил қилинишини қат'ий яхшилаш, ходимларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан моддий манфаатдор бўлишлари тўғрисидаги ленинча принципга оғишмай риоя қилиш асосида меҳнат унумдорлигини тинмай оширишни та'минлаш.

3. Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг таннархини тўхтовсиз камайтириш, саноат корхоналарининг, совхозлар ва МТСлар ишларида хўжалик ҳисобини кенг жорий қилиш, жуда қаттиқ иқтисодий тежашни амалга ошириш, маҳсулот единицасини ишлабчиқаришга сарф бўладиган меҳнатни ва материалларни камайтираборииш, маҳсулот сифатини муттасил ошириш.

4. Капитал қурилиш ишларини қат'ий яхшилаш блан бир қаторда, мавжуд ишлабчиқариш қувватларидан тежабтергаб фойдаланиш, халқ хўжалигининг ҳамма тормоқларида, ҳарбир корхонада ва ҳарбир қурилишда, ҳарбир колхозда ва совхозда бўлган янгидан-янги резервларни топиб ишга солиш.

5. Бутун социалистик экономиканинг асоси бўлган оғир индустрияни бундан буён ҳам илдам сур'атлар блан ривожлантиришни та'минлаган ҳолда, халқ исте'мол қиладиган товарлар ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш, енгил саноатни ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни ҳормай-толмай олға суриш.

6. Илғор колхозлар, совхозлар ва МТСларнинг тажрибаларига таяниб, ҳар йили етиштириладиган доннинг миқдорини олтинчи бешйилликнинг охиригача 11 миллиард пудга етказиш, пахта, қанд лавлаги, зиғир, картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш. Гўшт етиштиришни икки баравар, сут етиштиришни қарийб икки баравар, жун етиштиришни 82 процент кўпайтириш.

7. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини тинмай ошириш, партиянинг иш кунини қисқартиш тўғрисидаги қарорини уюшқоқлик блан бажариш, меҳнаткашлар учун уй-жой бинолари қуришнинг кенг программасини амалга ошириш.

8. Совет давлат аппаратининг ишини зўр бериб такомиллаштириш, уни қисқартиш ва арзонлаштириш, бюрократизмни ва сансалорликни қат'иян тугатиш, халқ хўжалигининг ҳамма участкаларига қилинаётган раҳбарликни яхшилаш, бу раҳбарликнинг мумкин қадар конкрет бўлишига ва унинг қолоқ корхоналар, колхозлар, МТСлар, совхозларнинг илғорлар даражасига кўтарилишига амалий ёрдам берадиган бўлишига эришиш.

9. Миллион- миллион ишчилар, колхозчилар, интеллигентларнинг ташаббускорлигини ва ижодий активлигини кенг авж олдириш, олтинчи бешйиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини жанговарлик блан ташкил этиш ва бу мусобақага бошчилик қилиш.

10. Ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонларнинг улуғ иттифоқини, СССР халқларининг бузилмас дўстлигини, бутун совет жамиятининг ма'навий-сиёсий бирлигини ҳормай-толмай мустаҳкамлаш, миллион-миллион меҳнаткашлар оммасини совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш, уларни шонли Коммунистик партиямиз теварагига, марксизм-ленинизмнинг енгилмас байроғи теварагига янада мустаҳкамроқ жипслаштириш. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

## III. Партия

Ўртоқлар! Мамлакатимиз эришган буюк муваффақиятлар Коммунистик партиямизнинг тўғри сиёсати туфайли, унинг ҳормай-толмай олиб борган ташкилотчилик ишлари туфайли қўлга киритилганлигини совет халқи яхши билади. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халққа фидокорона хизмати блан мамлакатимиз меҳнаткашлари орасидагина эмас, балки халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракатида, Ғарб ва Шарқдаги халқ оммаси орасида ҳам ғоят катта обрў қозонди. Коммунистик партия ўз сиёсати блан жаҳондаги воқиаларнинг бутун боришига жуда катта та'сир кўрсатмоқда.

### 1. Коммунистик партия сафларининг мустаҳкамланиши, Совет давлатида партия раҳбарлик ролининг кучайиши

1956 йил 1 февральгача Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафларида 7.215.505 киши бўлди, булардан 6.795.896 киши партия а'зоси ва 419.609 киши партия а'золигига кандидатдир. Бу, партиянинг XVIII с'ездгача бўлган а'зо ва кандидатлари сонидан қарийб уч баравар кўп ва XIX с'ездгача КПСС сафларида бўлган а'зо ва кандидатлардан 333 минг кишига ортиқдир. Партия ҳисобот даврида ташкилий ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан янада кўпроқ мустаҳкамланди. Партиялилар оммасининг маркcча-ленинча чиниқиши янада кучайди. Партия ва давлат раҳбарлигининг ҳал қилучи кучи бўлган партия кадрлари анча ўсди.

Бизнинг гениал йўлбошчимиз ва устозимиз Владимир Ильич Ленин меҳнаткашларнинг халқ озодлиги ва бахти учун, коммунизм учун курашда уларнинг илҳомлантирувчи ва етакчилик қилучи улуғ кучи бўлган Коммунистик партияни вужудга келтирди ва мустаҳкамлади. Владимир Ильич Ленин Совет давлати системасида партиянинг раҳбарлик ролини камситиш ёки заифлаштириш йўлидаги ҳарқандай уринишларга қарши қат'ий курашди. Марказий Комитет Лениннинг партия тўғрисидаги та'лимотига оғишмай амал қилиб келди ва амал қилмоқда. Ҳозирги кунда биз ҳисобот даври мобайнида партиямизнинг давлат қурилишидаги, мамлакатнинг бутун сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётидаги роли янада кўпроқ ўсди деб айтаоламиз.

Партия Совет давлатини янада мустаҳкамлаш учун, социалистик экономика ва маданиятни янада юксалтириш учун, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш учун курашда омма блан ўз алоқаларини янада кўпроқ кучайтирди, халқ блан янада кўпроқ иноқлашиб кетди.

Аммо, ҳисобот даври партиямиз учун бошдан-оёқ очиқ ҳавода ва текис йўлда зафарли юриш қилишдан иборат бўлди, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Албатта бундай деб бўлмайди. Биз катта ғалабаларга эришдик ва айрим муваффақиятсизликларга дуч келдик, катта қувончлар блан бирга қайғуларимиз ҳам бўлди. Аммо ғалабалар партияни эсанкиратиб қўймади, муваффақиятсизликлар эса уни умидсизлантирмади, партия ўзи танлаб олган йўлдан дадил ва ишонч блан олға борди ва олға бормоқда. **(Давомли қарсаклар).**

Партиянинг XIX с'ездидан сал вақт ўтгач ўлим Иосиф Виссарионович Сталинни бизнинг орамиздан олиб кетди. Социализм душманлари партия сафларида пароканадалик юз бериши, унинг раҳбарлари орасига нифоқ тушиши, унинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда иккиланишлар рўй бериши эҳтимоли бор деб ўйлаган эдилар. Аммо бундай мўлжаллар барбод бўлди. Коммунистик партия ўзининг Марказий Комитети теварагига янада маҳкам жипслашди, марксизм-ленинизмнинг ғолибона байроғини янада баланд кўтарди. **(Давомли қарсаклар).**

Империалистлар партия ва давлатнинг раҳбарлик лавозимларига хиёнаткорлик блан суқулиб кириб олган ўз ашаддий агенти Берияга катта умид боғлаган эдилар. Марказий Комитет ана шу хавфли душманнинг ва унинг шерикларининг жиноий фитначилик ишларига қат'ий хотима берди. Бу, партиянинг катта ғалабаси, партия коллектив раҳбарлигининг ғалабаси эди.

Разил хоинлар шайкасининг тор-мор келтирилганлиги партияни янада мустаҳкамлашга ва мамлакатимиз олдида турган вазифаларни муваффақиятли суратда ҳал этишга ёрдам берди. Партия янада монолитроқ бўлиб қолди. Партиянинг ғоявий-сиёсий ва ташкилий бирлиги унинг енгилмаслигининг гаровидир. Партиянинг сафлари жипслашган бир пайтда ҳарқандай душманлар ва ҳарқандай қийинчиликлар унга қўрқинчли эмас. Партия курашда қўрқишни билмайдиган, ўз йўлини амалга оширишда тебраниш, қийинчиликлар олдида чекиниш нималигини билмайдиган жипслашган куч бўлиб майдонга чиққанида у ҳарқандай вазифани бажараолади. Ҳозирги вақтда бизнинг партиямиз ҳарқачонгидан кўра маҳкамроқ жипслашгандир, бизнинг партиямиз Марказий Комитет теварагига маҳкам уюшган бўлиб, мамлакатни улуғ Ленин кўрсатиб берган йўлдан зўр ишонч блан олға бошлаб бормоқда. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Партиямизнинг бирлиги бирнеча йиллар ва ўнйиллар мобайнида таркиб топди. Бу бирлик жуда кўп душманларга қарши курашда ўсди ва мустаҳкамланди. Троцкичилар, бухаринчилар, буржуа миллатчилар ва халқнинг бошқа ёвуз душманлари, капитализм реставрациясининг тарафдорлари партия сафларининг ленинча бирлигига ичдан туриб путур етказишга жон-жаҳдлари блан уринган эдилар. Уларнинг ҳаммаси ана шу бирликка дуч келиб ер блан яксон бўлди.

Бутун совет жамиятининг ма'навий-сиёсий бирлиги, марксизм-ленинизмнинг мустаҳкам принциплари Коммунистик партия ва унинг раҳбар ядросининг бирлиги учун асосдир. Кишилар бизнинг партиямизга ўз шахсий манфаатларини кўзлаб эмас, балки коммунизм қуришдан иборат улуғ мақсадни амалга ошириш учун кирадилар. Партиянинг раҳбарлик ядроси шахсий муносабатлар блан ёки ўзаро манфаатдорлик блан боғланган кишилар тўдаси эмас, балки ўзаро муносабатларини принципиал ғоявий асосга қурган ва бир-бирларининг гуноҳларини кечиришга, шахсий ғаразгўйликка йўл қўймайдиган раҳбарларнинг ишчан коллективидир.

Партиянинг бирор раҳбар арбоби ўз ишида хатоларга йўл қўяётганлиги ма'лум бўлиши блан КПСС Марказий Комитети ана шу хатоларни тузатиш учун зарур чораларни якдиллик блан амалга оширди. КПСС Марказий Комитетининг Пленумларида бирқанча партия ташкилотлари ва айрим кишиларнинг фаолияти, шу жумладан Марказий Комитет а'золарининг фаолияти ҳам юз-хотир қилинмай, большевикча танқид қилинди. Партия томонидан ўзига кўрсатилган юксак ишончни оқламаган ба'зи ходимлар Марказий Комитет составидан чиқарилди. Партиянинг бирлиги бундан зарар кўрмай, балки фақат манфаат кўрганлигини исбот қилиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Ленин та'лим бериб айтадики, принципиал йўл бирданбир тўғри йўлдир. Умумпартия манфаатларидан ҳечқачон, ҳечқаерда бир қадам ҳам орқага чекинмаслик мустаҳкам принцип бўлиб, коммунистлар ўз сафларининг бирлиги учун курашда ана шу принципга амал қилиб келмоқдалар. Ҳисобот даврида янгидан-янги катта муваффақиятларга эришилган экан, бу нарса партия, унинг Марказий Комитети партия сафларининг бирлигини яхши сақлаб ва мустаҳкамлаб келганлигини жуда яққол кўрсатади. **(Давомли қарсаклар).**

Ўтилган йўлнинг якунларига баҳо бериб, ишонч блан айтиш мумкинки, ҳисобот даврида партия Марказий Комитетининг мамлакатимизга қилган сиёсий раҳбарлиги тегишли юксакликда бўлди, партия давлат ва партия қурилиши масалаларини тўғри ҳал этди, мамлакатни моҳирлик блан Ленин йўлидан олиб борди.

Партиянинг, унинг Марказий Комитетининг асосий вазифаси социалистик Ватаннинг иқтисодий қувватини янада мустаҳкамлашни та'минлашдан, унинг муқаддас чегараларини ёв кираолмайдиган янада мустаҳкам қал'ага айлантиришдан, совет кишиларининг моддий ва маданий турмуш даражасини янада юксалтиришдан иборат эди.

Бизнинг Коммунистик партиямиз—идора қилучи партиядир. Ҳарқандай муҳим ишнинг муваффақиятли ҳал этилиши партиянинг раҳбарлигига, партия маҳаллий ташкилотларининг фаолиятига боғлиқдир. Табиий, мамлакат олдида турган вазифаларни амалга ошириш учун аввало партия ташкилотларини сафарбар қилиш соҳасида кўп иш қилиш, барча коммунистларни камчиликларга қарши шафқатсиз кураш руҳида тарбиялаш зарур эди.

Ҳисобот даврида КПСС Марказий Комитети Пленумларининг мунтазам суратда ўтказиб турилганлиги партиянинг ва бутун мамлакатнинг ҳаётида жуда муҳим роль ўйнади. Марказий Комитет ана шу Пленумларда бутун партия, бутун халқ олдида қишлоқ хўжалиги ва саноатни ривожлантиришдаги жиддий камчиликларни ленинча ростгўйлик ва принципиаллик блан очиб ташлади, ана шу камчиликларни йўқотиш йўлларини, мамлакатнинг халқ хўжалигини, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада юксалтириш соҳасидаги сра кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этиш йўлларини белгилади.

Марказий Комитет хўжалик қурилишидаги камчиликларни танқид қилганда шу нарсага асосландики, партия олға қараб қилаётган ҳаракатимизнинг нуқсонлари ва қийинчиликлари тўғрисида халққа ҳақиқат гапларни айтиб беришдан қўрқмаслиги керак. Хато ва нуқсонларни э'тироф этишдан қўрққан киши революционер эмас. Ўз камчиликларимизни яшириб ўтиришимизнинг ҳожати йўқ, чунки бизнинг бош йўлимиз тўғри йўлдир, коммунистик қурилиш иши ўсмоқда ва ғалаба қилмоқда, камчиликлар блан курашга омма нечоғлик кенг жалб этилса, бу камчиликлар шу қадар камаяди.

Марказий Комитет партия ташкилотларини танқид ва ўз-ўзини танқидни бутун чоралар блан ривожлантиришга, қилинган иш натижаларига танқидий баҳо беришга, кибрлик, манманлик, мақтанчоқлик ва ўзига зеб беришга қарши қат'ий кураш олиб боришга чақирди. Ҳозирги вақтда биз камчиликларга қарши кураш олиб бормоқдамиз, агар партиянинг айрим звеноларида хотиржамлик кайфиятлари, ҳақиқий аҳволни бўяб кўрсатишга уринишлар бўлмаганида бизда кўп камчиликларга хотима берилган бўлур эди. Принципиал ва ошкора танқид ҳамда ўз-ўзини танқид партияни янада мустаҳкамлашнинг, камчиликларни тезликда йўқотишнинг, коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида янгидан-янги муваффақиятларга эришишнинг тўғри йўлидир.

Партиянинг бирлигини янада мустаҳкамлаш ва партия ташкилотларининг активлигини ошириш партия ҳаётининг Ленин томонидан ишлаб чиқилган қоидаларини тиклашни талаб этди. Илгари вақтларда бу қоидаларга кўпинча риоя қилинмас эди.

Коллектив раҳбарликнинг ленинча принципи тикланганлиги ва бутун чоралар блан мустаҳкамланганлиги биринчи даражали аҳамиятга эга бўлди. КПСС Марказий Комитети бу жиҳатдан намуна кўрсатишга ҳаракат қилди. Партиямизнинг коллектив раҳбари бўлган Марказий Комитетнинг роли кейинги йилларда нечоғлик юксак даражага кўтарилганлиги ҳаммага аёндир. Марказий Комитет Президиуми мунтазам иш олиб борувчи коллектив орган бўлиб қолди. Партия ва мамлакатнинг ҳаётига доир энг муҳим масалаларнинг ҳаммаси Марказий Комитет Президиумининг диққат марказида турибди.

Марказий Комитет коммунистларнинг ва барча меҳнаткашларнинг ижодий активлигини бутун чоралар блан кучайтириш учун курашиб, шахснинг тарихдаги ролини маркcча-ленинча англашни кенг тушунтириб бериш тадбирларини кўрди. Марказий Комитет марксизмнинг-ленинизмнинг руҳига ёт бўлган шахсга сиғинишга қарши қат'ий курашди. Шахсга сиғиниш у ёки бу арбобни му'жизалар яратучи қаҳрамонга айлантириб юборади ва айни вақтда партиянинг ҳамда халқ оммасининг ролини камайтириб кўрсатади, уларнинг ижодий активлигини камситишга олиб боради. Шахсга сиғинишнинг ёйилиши партияда коллектив раҳбарликнинг ролини пасайтирди ва ба'зан эса бизнинг ишларимизда жиддий нуқсонлар рўй беришига сабаб бўлди.

Партия гимнимиз «Интернационал»да шундай сатрлар бор:

«Бизга ҳечким озодлик бермас, на шоҳ, на оллох, на ботир. Озодликка эришмоқ, фақат ўз қўл кучимиз-ла бўлур» **(Гулдурос қарсаклар).**

Ана шу илҳомбахш сўзлар омманинг революцион, ижодий ролини, коллективнинг ролини марксистларча тўғри ифода этади. Марксистик назария блан қуролланган партия раҳбарлигидаги халқ улуғ ва енгилмас кучдир, янги ҳаётнинг ижодчиси, тарихнинг ижодчисидир. **(Давомли қарсаклар).**

Партия ҳаёти ленинча принципларининг амалга оширилиши натижасида партия ташкилотларининг сиёсий активлиги ошди, уларнинг меҳнаткашлар блан алоқаси мустаҳкамланди, уларнинг оммага та'сири кучайди. Бу эса, партия ташкилотларининг кучини кўп даража оширди, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этган пайтда уларнинг жанговарлик қобилиятини мислсиз ўстирди.

Демак, партиямизнинг тараққиёти нуқтаи назаридан олиб қараганда, ҳисобот даври партиянинг бирлигини янада мустаҳкамлаш, унинг сиёсий ва ташкилотчилик ролини янада кучайтириш, унинг оммага та'сирини янада авж олдириш даври бўлди. Партия халқ хўжалигини ва меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада юксалтиришдан иборат кенг программани ишлаб чиқди, бу программани амалга ошириш учун бутун халқни сафарбар қилди ва коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида жиддий муваффақиятларга эришди.

Аммо, партиямизнинг кучи ва обрўси мислсиз юксакликка кўтарилган ҳозирги пайтда ҳам хотиржамлик ва бепарволикка берилиш асло мумкин эмас. Бундан буён ҳам олға қараб муваффақиятли ҳаракат қилишни та'минлаш учун барча партия ташкилотларимизни юксак сафарбарлик ҳолатида тутиш, бутун партиявий ишларимизни тинмай яхшилаш ва такомиллаштириш керак. Даставвал, партиянинг партиявий-ташкилий ва идеологик ишларини юксак даражага кўтариш зарур.

### 2. Партиявий-ташкилий иш

Партия ва унинг Марказий Комитети ўзининг бутун ташкилий фаолиятида улуғ Лениннинг мамлакатга муваффақиятли раҳбарлик қилмоқ учун оммани ишонтирабилиш ва партия сиёсатининг турмушга оширилишини амалий суратда ташкил этабилиш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига асосланмоқда. Партиянинг куч-ғайрати унинг олдида турган вазифаларни муваффақиятли суратда амалга оширишни ташкилий жиҳатдан та'минлашга, партия кадрларининг хўжалик қурилишининг барча соҳаларида ишни амалий уюштириш сан'атини эгаллашлари учун ёрдам беришга қаратилган.

Бизнинг партиямиз ҳокимият тепасига келган пайтдан буён Ленин партия ишини доим хўжалик фаолияти блан боғлади. Ленин хўжалик тараққиётининг плани бўлган машҳур ГОЭЛРО планини партиянинг иккинчи программаси деб атади. Шу муносабат блан Владимир Ильич бундай деган эди: «Бизнинг партиямизнинг программаси фақат партия программасигина бўлиб қололмайди. Бу программа бизнинг хўжалик қурилишимизнинг программасига айланмоғи лозим, йўқса у партия программаси бўлишга ҳам ярамайди. Бу программа партиянинг иккинчи программаси блан, бутун халқ хўжалигини янгидан тузиш ва уни ҳозирги замон техникаси даражасига кўтариш ишлари плани блан тўлдирилиши лозим». (Асарлар, 31 том, 547 бет).

Шуни э'тироф қилиш керакки, кўп йиллар мобайнида бизнинг партияли кадрларимиз хўжалик қурилишининг амалий масалаларини ҳал этиш учун юксак жавобгарлик руҳида етарлик даражада тарбияланмади. Бу ҳол хўжаликка раҳбарлик қилишнинг канцеляриячилик-бюрократик методларининг кенг ёйилишига олиб келди. Бу ҳол шунга олиб келдики, кўпгина партия ходимлари хўжалик қурилиши соҳасида ташкилотчилик ишлари блан чинакамига шуғулланмадилар, экономикани чуқур ўрганмадилар, оммани ташкил этиш соҳасидаги жонли иш ўрнига кўпинча гап сотиш блан овора бўлдилар, бу ишларни бепоён қоғозлар денгизига ғарқ қилдилар.

Марказий Комитет партия кадрларини, барча коммунистларни хўжалик қурилишига конкрет раҳбарлик қилиш масалаларига кўпроқ э'тибор беришга, хўжаликка нисбатан юзаки муносабатда бўлишни йўқотишга, саноат корхоналари, колхоз, МТС ва совхозлар ишларини чуқур ўрганиб, моҳирлик блан раҳбарлик қилиш учун уларнинг техникаси ва экономикасини зўр бериб ўрганишга да'ват этди. Ишни жиддий ўрганиш ва жонли ташкилотчилик ишларини олиб бориш ўрнига аввалдагидек, «умуман» хўжалик вазифалари тўғрисида гап сотишга уринаётган ва қоғозбозлик блан шуғулланаётган партия ходимлари қаттиқ танқид қилинабошланди. Ҳақиқий ишдан ўзларини четда тутишни афзал кўрган ҳозирги замон «митрофанушкалари»дан кўпи раҳбарлик ишларидан озод қилинди.

Кўрилган тадбирлар натижасида маҳаллий партия органлари саноат ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг етакчи соҳаларида ташкилотчилик ишларини анча яхши йўлга қўйдилар. Улар хўжаликка кўпроқ амалий, конкрет ва оператив раҳбарлик қилабошладилар.

Афсуски, кўпгина партия ташкилотларида партиявий-сиёсий ишлар блан хўжалик ишларини бир-бирига ўринсиз қарама-қарши қўйиш каби ҳолларга ҳали ҳам йўл қўйилмоқда. Афсуски, шундай партияли «арбоблар» ҳам учраб турадики, улар партия иши бошқа-ю, хўжалик ҳамда совет иши бошқа бир нарса, деб ҳисоблайдилар. Бу хилдаги «арбоблар»дан, бизни «соф партия» ишидан ажратиб қўймоқдалар ва экономикани, техникани, агротехникани ўрганишга, ишлабчиқаришни ўрганишга мажбур этмоқдалар, деган шикоятларни ҳам эшитиш мумкин.

Партия иши вазифаларини бундай тушуниш тамомила нотўғри ва зарарлидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси идора қилучи партиядир ва бизнинг совет юртимизда қилинаётган ишларнинг ҳаммаси бутун партияни ва ҳарбир коммунистни астойдил қизиқтиради. Коммунистнинг томошабин бўлиб туришга ҳаққи йўқ.

Шу сабабдан партия ўз кадрларидан партия ишларини хўжалик ишларидан ажратмасликни, хўжаликка ишнинг кўзини билиб конкрет раҳбарлик қилишни талаб этади. Бу гапдан партия ташкилотларининг функцияларини хўжалик органларининг функциялари блан бирор шаклда аралаштириб юбориш ёки партия органлари хўжалик органларининг ишларини бажаришлари керак, деган ма'но келиб чиқмайди, албатта. Партия органларининг хўжалик органлари ишларини бажариши эгасизликка ва мас'улиятсизликка олиб келган бўлур эди. Гап шундаки, партия ишлари оммани ташкил этиш ва тарбиялашга, хўжаликка раҳбарликни яхшилашга, социалистик хўжаликни тўхтовсиз ўстиришга, совет халқининг моддий фаровонлигини оширишга, унинг маданиятини юксалтиришга қаратилиши керак.

**(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).**

*) Боши газетамизнинг 15, 16 февраль сонида.

